

ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

13 декабрь, сешанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 243 (991)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул чоғида.

Ф. ҚҮРБОНБОЕВ олган суурат. (ЎЗ).

12 декабрь кўни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Америка Қўшма Штатларининг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Сўхбат чоғида Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, Тожикистондаги вазият,

Тожикистон-Афғонистон chegarасидаги кескинликни бартараф этиш, жафокаш тожик халқига ривожланган

давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг инсонпарварлик ёрдами ни уюштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Урашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.

Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лий Кларк ҳозир бўлди. (ЎЗ).

«Халқ сўзи»нинг сайловолди анкетаси БУЮК ВОҚЕА

1. Республика Олий Мажлисига биринчи сайловлар -- Ўзбекистон тарихида муҳим воқеадир. Сиз уни қандай баҳолайсиз?
2. 25 декабрь кўни номзодларни депутатликка сайлаш жараёнида Сиз учун характерли нарсани нима: унинг шахсий сифатини, номзодни тавсия қилган партия ёки жамоат ташкилоти таклиф этган дастурини ёхуд яна бошқа нарсаларни?
3. Олий Мажлиснинг бўлажак депутатларига таклифларингиз? Намоз ТУРСУНОВ, Қашқадар вилояти, Чирчиқ тумани, «Чилчи» давлат хўжалиғидаги Н. Некрасов номи ўрта мактаб ўқувчиси:

1. Мен Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўладиган сайловларни мустақил мамлакатимизнинг шонли тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилажак воқеа, деб атаган бўлардим. Zero, кўппартияликка асосланган янги парламент сайлови республикамиз тарихидаги ва жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборининг тобора юксалишида катта аҳамият касб этди. Яна бир қувончли томони шундаки, сайлов тўғрисидаги қонунларга биноан биз -- сайловчиларга овоз беришда мутлақ эркинлик ҳамда танлаш ҳуқуқи берилган. Сайловчилар фақат ўзлари ёқтирган номзодлар учун овоз беришди.

2. Менимча номзодларни танлашда унинг шахсий сифати ҳамда у мансуб бўлган партия ва жамоат ташкилотларининг дастури ҳам бирдек муҳимдир. Чунки дастур қанчалик ҳаётий бўлмасин, борди-ю, депутатликка номзод уни амалга оширишга қодир бўлмаса, уша ҳужжат қуруқ қоғозга айланиб қолиши мумкин.

Сайловларда иштирок этаётган партиялар ва ҳокимият вакилларининг сайловолди дастурлари билан яқиндан танишиб чиқдим. Уларнинг барчасида юртимиз раънақи, халқимиз фаровонлигини таъминлашга эътибор қаратилган. Лекин менига ўзим мансуб бўлган Халқ демократик партиясининг дастури кўпроқ маъқул. Шунинг учун ҳам мазкур партиядан кўрсатилган номзод учун овоз беришга қарор қилдим. Аммо гап номзодларнинг қайсиниси кўпроқ овоз олишида ҳам эмас. Чунки Олий Мажлисга сайланажак депутатлар қайси партия ёки сийбон ташкилотга мансуб бўлишдан қайси назар у ватан ва халқ келажига масъул шахслар. Шу бунда уларни ўзaro ижтисомлаш, фаол ҳаракат қилишларига ишонаман.

3. Олий Мажлис депутатлигига сайланиш -- халқнинг ишонча сазовор бўлиш демекдир. Моделми шундай экан, сайланажак депутатларана шу масъулиятнинг бир зум бўлиши билан чикармасликлари лозим.

ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Жаҳон

Республика кўғирчоқ театри жамоаси болаларнинг қишқи таълими арасида «Чодир хаёл» асарини ёш томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Спектаклга афанди латифалари билан боғлиқ ҳангомалар ҳам киритилган бўлиб, томошага ўзгача фойз бахш этган.

Театр жамоаси янги йил арафасида болаларга «Бўғирсоқ» деб номланган янги спектаклни ҳам совға қилди.

Навоий шаҳридаги 1-болалар богчаси вилоятдаги ягона богча-лицейга айлантирилди. Бу ерда жажжи ўғил-қизларни тарбиялашда янги дастурдан фойдаланилмоқда. Унга кўра болаларнинг ҳар қандай чиққунча компьютер билан муомала қиладиган, чет тилини биладиган бўлади.

Хева шаҳридаги 20-болалар уйида бирданга саккиз нафар тарбияланувчининг суннат тўйи ўтказилди. Тўйга вилоятнинг барча туманларидан меҳмонлар келди.

Жалубий Қозоғистон вилоятининг Сайрам туманида истиқомат қилувчи Ашвар Пардабеков «Урал» кажалави мотоциклда Европа ва Осиё қитъаси бўйлаб сафарга чиқди. У яқинда Бухоро шаҳрига етиб келди.

«Ромашка» болалар богчасида «Андижонирмаш» заводи видеоаппаратлари ҳада этди.

Корхонанинг даромади тобора ўсиб боришда бу ерда ташкил этилган экскаватор ишлаб чиқарувчи «Узэкс» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг ҳам ҳиссаси каттадир.

«Янги пайтада завод кўпгина ижодий, тиббиёт, спорт жомоалари, шунингдек мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари ана шундай хайрия ёрдами кўрсатди.

Яширишининг ҳолати йўқ, яқин кунларга қалар ҳам ёниги шохобчалари яқинига йўллаб бўлмасди. Машиналар тирбанд. Зуровонлар, таниш-билишликни ниқоб қилган олибсотарлар шохобчаларга уя қўриб олишган, безинни биринчи гада улар олардилар. Энди маҳалла кўмиталари, фуқаролар йигини руҳати билан ҳар бир ҳайдовчига талон ажратилмоқда. Демак, турли маш-машалар барҳам топди. Бензинфурушлар йўлига гов ташланди. Ёниги шохобчаларида эса узундан узок навбатлар йўқ.

-- Эқиндан бўшаган майдонларни шудгорлаш бошланди. -- таъкидлайди нефть маҳсулотлари таъминоти вилоят бошқармасининг бошлиғи Диллоҳ Хўжаев, -- ҳайдов тракторлари учун ёниги пешима-пеш етказиб берилёттир. Умуман бошқарма мутасаддилари вилоятда ишлаб чиқарилган халқ эҳтиёжи моллари вазиға Россиядан қўшимча ёниги олиб келишни йўлга қўйдилар. Натикча эса фойдали бўлаёттир.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ПЕККИН. ХХР пойтахтида давланаётган Камбожда кироли Нородом Сианук курқочликдан катта талафот қўрган Камбожда аҳолисига ўзининг шахсий ҳисобидан 50 миң АҚШ доллари миқдорда хайрия қилди.

Камбождада юз берган курқочлик тўғрисида ҳисобинг қарий 70 фоизи нубуд бўлган.

ЖАКАРТА. Қўшилмаслик ҳаракатининг раиси, Индонезия Президенти Сухарто Босния сербларининг хавфсизлик минтақаси Биҳач районига қилган ҳужумини каттиқ қоралди. У ўз баёнида, Босния серблари ҳарбий ҳаракатлари билан БМТ оёруёига пугур етказмоқда, деди.

Қўшилмаслик ҳаракатининг аъзоси сифатида Индонезия зудлик билан Босния ва Герцеговина бўйича халқаро анжуман чақирилишини таклиф этди.

РИМ. Ўзини «қуролли фанга» ташкилоти аъзоси деб таниган киши телефон орқали полицияга Италия давлат раҳбари қароғоқи Квиринале саройига бомба қўйилгани ҳақда хабар қилди. Унинг айтишича, худди шундай бомба Палермо шаҳридаги қўша Норман саройига ҳам қўйилган. Бирок маъсуе сапарлар қанча изланмасин, иккала саройда ҳам портловчи молда топилмади, Италия Ички ишлар вазири матбуот марказининг хабарига кўра, афсонавий фангагачилар охири уч кун ичида бешинчи марта ана шундай таҳдидди кўнгирак қилган.

НЬЮ-ЙОРК. Кўп йиллик танавфуслан сўғт Америка олимларининг Муштарий сайёрасига қизиқинчи яна орта бошланди.

Муштарий инсонинг томонидан энг кам ўрганган сайёралардан биридир. Америкалик олимлар ҳозирданқош ушбу сайёрага аэромат станция учириниға тайёр турилди. Американинг булдан 20 йил бурун Муштарийга юборган аэромат аппарати орқали олинган хабар олимларни қутилмағанда ҳайратда қолдириди. Мазкур сайёранинг магнит майдони бизнинг жихатидан фақат зичлиги сайёрамиздан кейинги ўринда турар экан.

МОСКВА. Россия Федерациясининг Фавқулодда ҳодисалар бўйича назирлигининг юк самолёти Моладка учиб келди. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, мазкур самолётда чечен қочоқларига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш учун оёқ-оёқат ва дорилармонлар келтирилган. Аини пайтада Моладка ва Малгобек районларида қочоқларни дорилармон ва бошқана билан таъминлаш ишлари олиб боришмоқда.

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ. Шаҳардаги давлат кутубхонасиндан қадимий Хитой, мўғул, тибет ва Яқин Шарқ фалсафасига оид асарлар йўғулаб кетилди: Ушбу қўлёзмаларни 1842 йилда Россиянинг Пенкиндаги диний вақили, рухоний Иоакимф Бициурин келтирган эди.

Шаҳар ички ишлар бошқармаси олимларининг ҳисоблашича, ўғрилган асарларнинг баҳоси 100 миллион АҚШ долларида ошқидир.

КИШИНЬЕВ. Болгария Президенти Жељо Желевининг Моладкага расмий сафари ниҳоясига етди. У Моладка раҳбари Мирча Снегур, парламент раиси Петр Луциньский ва жамоатчилик вақиллари билан учрашди. Сафар чоғида икки давлат ўртасида яқинсодий алоқаларни ривожлантиришга оид бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

УРУҒНИ ОМБОРДАН ОЛИШАЯПТИ

КИТОБ туманидаги Раззоқ Шайманов номи жамоа-ширкат хўжалиги деҳқонлари кейинги икки йил ичида илгари пахта етиштириб келинган 500 гектардан зиёд сугориладиган майдонга дон экиб, мўл ҳосил олаётдилар. Бу ерда арпа ва буюдй билан бирга халқимиз севиб истеймол қиладиган оқсилга бой мош, нухат, ловия, маккажўхори етиштириш ҳам йўлга қўйилди. Аҳолининг гуручга қўриқчи ҳам ҳисобга олинди. Бунинг учун Хоразм вилоятининг Богот туманидаги «Богот» жамоа-ширкат хўжалигидан шоланининг «Авангард» ва «Ўзбекистон -5» навли уруғи олиб келинди.

-- Шолни ҳозирги ёшларимиз учун мулаққо янги экин, -- дейди хўжалик бошқаруви раиси Маҳмуд Султонов. -- Шунинг учун шолни майсалари парваршини мутахассисларнинг маслаҳатлари асосида ташкил этдик. Сугориш, озиклантириш энг қулай муддатларда ўтказилди. Натижда 75 гектар майдонда шолдан мўл ҳосил етиштирилди.

Текис майдонларга экилган шолни комбайнлар ёрдамида ўриб-янчиб олинди. Лекин кичик-кичик қарталардаги, сойликларда жойлашган шолпопарларнинг ҳаммаси қўлга ўрилди. Хар гектар ердан 60 центнердан ошриб шолни янчиб олинди. Қўлда ўриб, гарамланган шолни комбайнларда янчилиди.

Хўжалик бошқаруви эҳтиёжидан кишиларга, тўй-маъракалар қилдирганларга гуруччи арзонроқ сотишга қарор қилди. Энди аҳоли гуруч излаб дўконларга бормаиди, бозорга қатнамайди.

П. ГАДОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М. А. УСМОНОВНИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали ижодий меҳнати, ўзбек шарқшунослиғи фанининг ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, фалсафа фанлари доктори Муталиб Аҳмедович Усмонов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1994 йил 12 декабрь.

УЙЧИДА ШАКАР ЗАВОДИ

Уйчи туманининг «Уйчи» фирмаси қошида шакар заводи қурилаяпти. Завод ишга туша, суткасига тўрт тоннадан маҳсулот беради. Бундан ташқари 25 тонна тоза спирт, қуввати кунжардан юқори бўлган 26 тоннадан ортиқ чорва моллари учун ем ҳам чиқарилади.

Заводнинг хомашёси оддий қанд лавлагиси. Суткасига 35 тонна лавлагни ишланишини ҳисобга олиб, тумандаги олтига хўжалиқда лавлага етиштирилди. Бир мавсумда 450 тонна лавлага сарфланади. Ҳозирданқош 100 тоннадан кўп лавлага тайёрлаб қўйилди.

Завод директори Зокиржон Жўраевнинг айтишига қараганда бу ердан чиқарилган шакар туман аҳолисининг ҳар бирига 700 граммданга тўғри келаркан. Бу ҳозир меъёрига олинатганидан анча кўпдир.

Аини пайтада завод бинолари тўла тикланиб бўлинди. Дастгоҳларнинг 90 фоизи олиб келинган. Монтаж ишлари бугун-эрта бошланади.

Тождидин ҲОЗИЕВ.

деб ҳисоблайман.

Болаларнинг келиб чиқини ва ота-оналарнинг фуқаровий ҳолатидан қатъи назар тенглиги ҳақидаги 65-модда ҳам ҳозирги замон онла ҳуқуқи талабларига тўла жавоб беради.

Учинчи жиҳат: Конституцияда оила, жамият манфаатларига катта эътибор берилган. Ушарққа хос хусусиятидир. Мамун «жамият ва шахс» муносабатида оила, жамият биринчи ўринга қўйилган. Zero, ўзбеклар ўз

иккинчи бўлимда инсон ҳуқуқлари ва умумжаҳон Декларациясида, бошқа халқаро пактларда эълон қилинган қонунлар ўз ифодасини топган. Шу билан бирга Конституциянинг инсон ҳуқуқларига оид моддаларида бир қанча жорий қонунлар қабул қилиниши кўзда тутилган. Бу табиий, албатта. Бундай қонунлар мени жуда қизиктиради. Улар Конституцияни реал ҳаётга татбиқ этиш демекдир. Масалан, янги қабул қилинган жиноят ва жазо кодекси, жиноят ишларини юритиш жараёни кодекси, давлат сирлари ҳақидаги қонун ва бошқалар.

Конституциянинг 107-моддасида Ўзбекистоннинг замонавий суд тизими берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди қўрсатилган. Бундай суд турларига бўлиш тўғри ва жаҳон ҳуқуқий амалиётга мосдир. Шу билан бирга, менимча, судьялар умрбод сайланса ёки тайинланса, уларнинг мустақиллиги таъминланган бўлар эди.

Нихоят, мен Конституциянинг билан икки тилда -- француз ва рус тилларидаги матни билан танишдим. Афесуки, француз тилидаги матндан унчалик кўнглим тўлмади. Бир мисол келтирмаман: 18-моддадаги «имтиё» сўзи француз тилида нотўғри берилган. Конституцияда бунга йўл қўйиб бўлмайди, умуман, таржимандаги камчилик ўзбек ва француз ҳуқуқшуносларини яқин ҳамкорликча чорлайди.

(ЎЗ).

ЎЗБЕКISTON КОНСТИТУЦИЯСИ ФРАНЦУЗ ОЛИМЛАРИ НИҒОҲИДА

давлат олдидаги мажбурият ҳақида гап юритилган эди. Ваҳоланки, инсон эътиқоди, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари табиий ва муқаддасдир.

Иккинчидан, Конституциянинг 18-моддасида насаби, ирки, жинси, миллати ва бошқа жиҳатлардан қатъи назар фуқаролар тенг ҳуқуқларга эга эканлиги таъкидланган. Жамиятда эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги Конституциянинг 46-ва 63-моддаларида янада ўз ривожини топган. Бу қувончли ҳолдир. Умуман мен 63-моддадаги «Нихоқ томонларнинг ўзаро хоҳиши ва тенглиги асосланади» деган қондан инқилобий фикр

оиласи, қариндош-уруғлари манфаатларини ўз шахсий хоҳишларидан устун қўйди. Бу эса инсон маънавиятининг олий кўринишидир.

Н. МАРИ -- ШВАРЦЕНБЕРГЕР: Ўзбекистон Республикаси Конституциясини собиқ совет конституцияларидан кўп жиҳатлар билан тубдан фарқ қилади. Аиникса, Конституция матида миллий атама ва ибораларнинг бошқа тилларга таржима қилинганда ҳам сақлаб қолинган диққатга сазовордир. Масалан, Олий Мажлис, ҳоким каби.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган

25 декабрь — Сайловлар куни

НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН БОРМОҚДА

Мамлакатимизда сайловларга тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирди. ЎЗА мухбири Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раис У. АШИРБЕКОВ билан республикада бу борада қилинаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

— Олий Мажлисга, Жўқорғи Кенгесга сайловлар эркин, демократик бўлиши ва у халқаримизнинг хоҳиш-иродасини тўла ифодалаш учун барча асослар мавжудлиги шубҳасиз.

— Сайловларга тайёргарликнинг ҳар бир босқичи қонунлар асосида, юксак савияда ўтмоқда. Олий Мажлисга 14 та округдан, Жўқорғи Кенгесга 86 та, туман ва шаҳар кенгашларига 569 та округдан номзодлар кўрсатилди. Ҳар округдан икки ва ундан ортик номзодлар депутатлик мандати учун курашмоқда.

Халқимиз ўзининг муносиб номзодларига овоз беради. Сайловлар гоёт ушқоқлик билан ўтади. Келажакка комил-ишонч сайлов якунлари билан янада ортади, деб қатъий ишонаман.

— Қорақалпоғистон парламентининг келажаги хусусида ҳам қисқача тўхталсангиз.

— Янгидан сайландиган Жўқорғи Кенгес зиммасига масъулиятли вазибалар юкланиши табиийдир. Қонунлар устиворлиги асосида тартиб ўрнатиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, мулкни ўз эгаларига топшириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, халқимизнинг фаровон турмуш кечиршини таъминлаш лозим.



Дехқонларимиз етиштирган пахта, шולי ва бошқа хил қишлоқ хўжалик хомашёларидан тайёр маҳсулотлар тайёрлаб, ички ва ташқи бозорларга чиқариш энг муҳим вазифа бўлиб турибди. «Катекс», «Элтекс» сингари йирик комплексларни халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам бунёд эта оласкина, иқтисодимиз бақувват бўлишини бугун барча билади. Шубҳасиз, янгидан сайландиган Жўқорғи Кенгес шу вазибаларни амалга оширишни биринчи ўринга олиб чиқади.

— Фурсатдан фойдаланиб, Қорақалпоғистонда иқтисодий ислохотнинг бориши тўғрисида сўзлаб берсангиз. Хусусан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш қандай натижа бермоқда?

— Мамлакатимизда, шу жумладан, Қорақалпоғистонда ҳам иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шароитлар яратилапти. Озиқ-

овқат, энгил саноат, курилиш ва транспорт тармоқлари, деҳқончилик саноати мажмуи, хизмат кўрсатиш, доринуослик корхоналари мулк шаклини жадал ўзгартирмоқда. Умуман, 1600 корхона, жумладан, 358 ўрнига 394 иншоот хусусийлаштирилиб, ишлаб чиқариш ҳажми, самардорлик, мулк эгалари манфаатдорлиги кескин ортди. Объектлар сотилишидан бюджетга 6306,7 минг сўм тушди. Шу маблаг ҳисобидан давлат тасарруфида бўлмаган янги корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун 4,4 миллион сўм ажратилди.

— Оролбўйи муаммолари, денгиз сатҳини сақлаб туриш, ҳудудда экологик вазиятни соғломлаштириш масалаларини барчани қизиқтириши табиий. Бу борада галда турган муҳим вазибалар нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Экологик вазиятни соғломлаштириш масаласига Президентимиз, ҳукуватимиз доимо эътибор берапти. Қийинчиликларга қарамасдан Ўзбекистон ҳукумати етарли маблаг ажратмоқда. Натижада аҳолини ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш мақсадида 95 километрик водопровод тармоғи, 370 километрик газ қувури тортилди. Ўнғ қирғоқ Аёлқалъа коллектори қурилиши келаси йили битказилга, ҳудудимизда ўта минераллашган ер ости сувлари Орол денгизига оқиб юборилади.

Суҳбатдош: А. ИСКАНДАРОВА.

БУХОРО

Бухоро туманидаги «Ўрта Осиё» жамоа хўжалигида (56-Галаосиё сайлов округи) сайловчиларнинг «Ватан тараққиёти» партиясидан Олий Мажлис депутатлигига номзоди кўрсатилган Бухоро вилоят адвокатлар коллегияси аъзоси Муҳаббат Бахромова, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод — ХДП Бухоро тумани Кенгашининг биринчи котиби Саида Жўраева, халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидан номзод — Бухоро тумани, «Юрнубо» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Пулат Шаропов билан учрашуви бўлди. Ишончли вакиллар номзодлар ҳақида батафсил маълумот бердилар.

Номзодлар М. Бахромова «Ватан тараққиёти» партиясининг, С. Жўраева Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг, П. Шаропов эса халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг сайловолди дастури ҳақида гапирдилар, сайловчиларнинг қўлдан-қўл саволларига жавоб қайтардилар.

Мазкур номзодларнинг сайловчилар билан учрашуви шу тумандаги Асад Шокиров номидаги жамоа хўжалигида ҳам бўлиб ўтди.

ЖИЗЗАХ

Ҳамма жойда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам сайловолди тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирди. Республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодларнинг жойларда сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Яқинда Пахтакор туманидаги «Навбахор» ширкатлар уюшмасида 74-Пахтакор сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар — халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидан номзоди кўрсатилган туман марказий касалхонаси бош шифокорининг ўринбосари Муътабар Солиқова, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгашининг биринчи котиби Гулланом Субҳонова ва «Ватан тараққиёти» партиясидан номзоди кўрсатилган Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Пахтакор тумани бўлими раҳбари Сулаймон Улуғмуродов сайловчилар билан учрашди. Ҳар уч номзоднинг ишончли вакиллари

сайловчиларни номзодларнинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти билан таништирдилар.

Сайловолди учрашувида сўзга чиққан номзодлар ўз режалари тўғрисида сайловчилар

клубида ўтган бу учрашувда депутатликка номзоднинг ишончли вакили И. Теннинг ҳаёт йўли ҳақида ахборот берди. Сайловчилар номзодга ўз таклифи ва тилаklarини билдирдилар.

татлари вилоят кенгаши томонидан кўрсатилган номзод — Музработ тумани ҳокими Абдумурот Лапасовнинг сайловчилар билан учрашуви бўлди. Ишончли вакил Амин Хайнов сайловчилар

сулолари комбинати директори Зайниддин Мусаев ишончли вакил сифатида сўзга чиқди.

ФАРФОНА

Кувасой шаҳридаги «Кўчқорчи» қишлоқ клубида 178-Кувасой сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига «Ватан тараққиёти» партиясидан номзоди кўрсатилган Кувасой шаҳар «Файз» ҳиссадорлик жамаиати механик-муҳандиси Абдусамат Ерматов, халқ депутатлари вилоят кенгашидан номзоди кўрсатилган Кувасой шаҳар ҳокими Аскаралли Раҳмоналиев ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Кувасой цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Худоберган Қосимов сайловчилар билан учрашди.

Учрашувда депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари номзодларнинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолиятлари хусусида гапирдилар. Учрашувда депутатликка номзодлар сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

ҚАШҚАДАРЭ

Дехқонбод туман ҳокимлиги мажлислар залида сайловчиларнинг 221-Дехқонбод сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига «Ватан тараққиёти» партиясидан номзод — шу партия Марказий Кенгаши бўлим мудирини Ҳасан Норменов, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод — Қашқадарэ вилоят фахрийлар кенгаши раиси Соиб Усмонов, халқ депутатлари Қашқадарэ вилоят кенгаши кўрсатган номзод — Дехқонбод туманидаги 539-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи ўрол Қосимов билан учрашуви бўлди. Учрашувда номзодларнинг ишончли вакиллари уларнинг таржимаи ҳоли, босиб ўтган ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти ҳақида гапириб бердилар. Сунгра номзодлар ўз режа ва ниятларини баён этдилар, савол-жавоблар бўлди.

(ЎЗА).



202-Учқўприк сайлов округида муҳим тадбирга ҳозирлик қўрилоқда. СУРАТДА: сайлов комиссияси раиси Убайдулло Тўрақулов сайловчи Раъноҳон Эргашева билан суҳбатда. Тоҳиржон ХАМРОҚУЛ олган сурат.

ларга гапириб бердилар.

НАВОИЙ

Республика Олий Мажлиси депутатлигига 77-Карман сайлов округидан рўйхатга олинган номзодларнинг Карман шаҳрида сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашидан номзоди кўрсатилган «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳандиси Владимир Иванов, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган ХДП Навоий вилоят кенгаши иккинчи котиби Людмила Юрикованинг ишончли вакиллари номзодларнинг таржимаи ҳоли ҳақида гапириб берди. Депутатликка номзодлар сайловчиларни ўз режалари билан таништирдилар, сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

САМАРҚАНД

Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига Самарқанд вилоятидаги 114-Қорадарэ сайлов округидан номзод — Каттақўрғон паррандачилик фабрикаси бош директори Илья Теннинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Бобур номидаги 54-мактаб

СИРДАРЭ

Сирдарэ туманининг «Синдоробод» жамоа хўжалиги (134-Сирдарэ сайлов округи) Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. «Ватан тараққиёти» партиясидан кўрсатилган номзод — вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Акбарали Мирзааҳмедов, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод — «Синдоробод» жамоа хўжалиги бригадирини Музаффар Синодур, халқ депутатлари вилоят кенгашидан кўрсатилган номзод — «Марказий Осиё» корпорацияси бошқарувининг раиси Фуломжон Фозиллов ўз сайловчилар олдида сўзга чиқдилар. Сайловчилар ҳар учал номзоднинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти ва сайловолди режалари билан танишдилар, уларни қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

СУРХОНДАРЭ

Музработ туманидаги «Кўнғирот» жамоа хўжалигининг маданият саройида 140-Музработ сайлов округидан мамлакатимиз Олий Мажлиси депутатлигига халқ депу-

ни номзоднинг таржимаи ҳоли, амалга ошираётган ишлари билан таништирди.

Олий Мажлис депутатлигига номзод А. Лапасов туманда иқтисодий ислохотнинг бориши, халқ турмуши фаровонлиги, обончилик масалалари, сайловолди режалари тўғрисида сўзлади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Республикамиз барча фуқаролари каби оҳангаронлик ҳам 25 декабрь куни сайландиган янги парламенти ҳамда маҳаллий кенгашларга катта умид боғламоқдалар. Шу босдан сайловчилар 156-Оҳангарон сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашидан кўрсатилган номзод — Оҳангарон тумани ҳокими Улуғбек Иброҳимов билан учрашувга пухта тайёргарлик билан келдилар.

Оҳангарон шаҳар ҳокимлигида ўтган учрашувни округ сайлов комиссияси раиси Анвар Шамсиддинов очар экан, йиғилганлар эътиборини бу галги сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари, сиёсий аҳамияти, шунингдек, фуқароларнинг сайлов қафолатларига қаратди. Дон маҳ-

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ КОЛМАЙДИ

Шаҳар ҳокимиятига фуқаролардан турли хил мавзуларда аризалар, талабномалар, сўровномалар тушади. Кейин почтани кўздан кечириб ўтирган ҳоким Аскаралли Раҳмоналиев бир маълумотнома-хат устида узоқ ўйлаиб қолди. Сабаби — унда қандайдир сирли автомобиллар ҳафтанинг сўнгги кунларида қишлоқнинг куйи қисмидан, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш корхонасидан Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасига ўтган бензин қувуридан ёнилғи олиб, номанъул томонларга жўнаб кетаётганлиги, бу иш билан маъмурий органлар жиддий шуғулланмаётгани ҳақида ташвиш билдирилган эди.

Ҳоким вақт анча кеч бўлиб қолганига қарамай, шаҳар прокурори Исоқжон Ҳамдамовни ҳузурига таклиф қилди. Хатда баён этилган фикрлар иккаласини узоқ мулоҳаза қилишга мажбур этди. Ахир, шаҳарда бензиннинг ҳар томчиси ҳисобда бўлган бир пайтда қандайдир ўғриллар, тунги шарпалар тонна-тонна ёнилғини ўғирлаб, ҳуфиёна йўл билан қимларгадир пуллашса. Ҳаром топилган бу пуллар яна бошқа жиноятларни бошлаб келмаслигига ким қафолат беради?

Ҳоким ва прокурорнинг фикри бир ердан чиқди: ички ишлар ходимлари иштирокида махсус тезкор гуруҳлар тузишга келишиб олинди. Ушбу тадбирни ўтказишга бошчилик қилишни шаҳар ҳокими Аскаралли Раҳмоналиев зиммасига олди. Прокурор Исоқжон Ҳамдамов эса ишларни мувофиқлаштириб турадиган бўлди.

ТУНГИ ШАРПАЛАР

ҚУВАСОЙДА БЕНЗИН УҒРИЛАРИ ҚЎЛГА ТУШДИ

3 ноябрь куни, пайшанбадан жумага ўтар кечаси тезкор гуруҳ аъзолари бензин қувурига туташ овлоқ йўллари нозоратга олишди. Бутун мавжудот ширин уйқуда. Кузнинг намчил, совуқ ҳавоси этни жунжиктиради. Тезкор гуруҳ раҳбарлари тушган автомашина қишлоқ марказига етганда, уларни давлат номерлари олиб қўйилган оқ «Жигули» қувиб ўтди. Машина гуруҳ аъзолари томондан қузатила бошланди. Гуруҳ етакчилари тушган машина дала йўлидан жиноят содир бўлиши қутилаётган томонга кетишаётганда эса, олисдан «Зил» автомашина-

лари моторларининг овози эшитилди. Чамаси уларга юкланган юклар белгиланиданан зиёд бўлса керак, моторлар қулоқни қоматга келтириб ишларди. Машиналар келадиган йўлга тўсиб чиқилди.

Қора ниютли кишилар ўзларича эҳтиёткорлик қилишди шекилли, анча нарироқда тўхташди. Машинадан тушиб, қуриб келган бир киши савлом-алик йўқ ҳатто машина-

дига олиб чиқиб кетилар экан. Бензин ўғрилари билан дастлабки «мулоқот» тугамасдан туриб, юқорида тилга олинган давлат номери олиб қўйилган автомашина қайтиб келди. Ундан тушган йигит нима учун бу машиналар тўхтатиб қолинганини сўраб-сўриштириб кетди.

Тезкор ҳаракат давом эттирилди. Чунки ўғриллар бензинни хатда кўрсатилган

жойдан эмас, балки бошқа ердан олишгани ҳақида дастлабки тергов ҳаракатларида кўргазма берганди. Энди бевосита қувур жойлашган трасса бўйлаб ҳаракат қилиш керак эди. Бу эса гоёт хавфли иш. Тезкор гуруҳ аъзолари буни билганликлари учун ҳам синчковлик билан оҳиста ҳаракат қилишди. Бирга жамоа хўжалигининг чорвачилик фермасига, (хатда кўрсатилган манзилга) етиб келишганда катта жиноятнинг устидан чиқилди. Суяқлик ташиллайдиган 6 тонналик катта сизимли идишга тўлғазиб бензин олинган, «Москвич» маркази машинанинг салони эса бензин қуйилган канистрлар билан тўла эди. Шу куни ўғ-

рилларнинг омади келмай қолбидими, ёллаган тракторлари нимагадир бу ерга келганда юрмай қолади. Ўғриллардан бири тракторнинг эгасини айтиб келиш учун кетган экан.

Катта қувур гоёт мураккаб инженерлик ускуналари билан тешилиб, бензин олинган. Фойдаланилган қувур тешиш ускунаси анча-мунча ихтирочи муҳандисларни ҳам ҳайратга солади. Ҳамма нарса мукамал. Бир соатга етиб-етмай 5 тонна ҳажмли идишни тўлдириш мумкин. Тешилган жой ер остидан бўлганлиги учун ҳам усти беркителиб, яна тупроқ тортилиб қўйилди. Бу жойга чорвачилик фермасидан чиққан маҳаллий ўғитлар ташланганлиги боис кўпчилик қувур тешилганлигига умуман эътибор бермайдди. Тонгга қадар ўғирлик билан алоқадор бўлган Б. Ю., К. Н., Б. Н., А. Ш. сингари гумондор шахслар ҳам қўлга олинди.

Шаҳар прокуратураси тергов ҳаракатларини бевосита ўз зиммасига олди. Ўғриллар четга олиб чиқиб кетмоқчи бўлган 16 тонна маҳсулот давлатга қайтарилди.

Давлат мулкига кўз олайтирган ўғриллар, Ўзбекистон бойлигини бошқаларга пулламоқчи бўлган каззоблар яқин орада суд олдида жавоб берадилар.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи»нинг ўз мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Газета ҳар ҳафтада 5 марта чиқади

Қадрли муштарийлар!
1995 йил учун «Халқ сўзи» газетасига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

«ХАЛҚ СЎЗИ»НИНГ ФУҚАРОЛАР УЧУН ЯККА ТАРТИБДАГИ

йиллик обуна баҳоси - 276 сўм
олти ойга - 138 сўм
уч ойга - 69 сўм
бир ойга - 23 сўм

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН

бир йилга - 624 сўм
олти ойга - 312 сўм
уч ойга - 156 сўм
бир ойга - 52 сўм

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР,
«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ОБУНА
БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

TV ХАФТАЛИК КўРСАТУВЛАР TV

СЕШАНА, 13

УзТВ I

7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Пилигрим» кемасининг капитани. Бадий фильм.

10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабий.

11.00 Немис тили.

11.20 «Эльбрус боғлари». Манзарали фильм.

11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.

12.00 «Хумор этдинг». Лирик концерт.

12.30 -- 14.30 «Кичкинтой» видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».

18.40 «Мусликий дақиқалар». Созанда Рафиқжон Ахмедов чалади.

18.55 Ўзлонлар.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.20 Ўзлонлар.

19.25 «Дўстлик тароналари». Концерт.

19.50 «Хилол» студияси. «Авто плюс...».

20.10 Оқшом эртақлари.

20.25 Ўзлонлар.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

20.55 Ўзлонлар.

21.00 Демократик сайлов сари.

21.45 «Бўстон». Телевизион журнал.

22.45 «Кино, кино, кино...».

23.35 -- 24.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II

«ОМАД» таништирад:

18.30 «Мультифейерверк».

19.00 «Хусеийлаштириш: қадам-бақадам».

19.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар.

20.00 Видеогид.

20.20 «Теле-ателье-шоу».

20.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар.

21.30 -- 23.10 «Кинонигоҳ».

УзТВ III

18.10 -- 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультикарусель».

19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

20.40 -- 23.40 «ОМАД» таништирад: «ҚИТЪА СПОРТИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 -- 9.00 «Тонг».

18.00 «Веди».

18.30 «СБ» жумбоги.

18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. Ф. Цепелин.

18.50 Янгилликлар.

19.00 «Тигиз пайт».

19.25 «Шадлод Роза». Телесериал (Мексика).

19.55 Хужжатли фильм.

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгилликлар.

21.40 «Илк манбадан».

21.50 -- 23.50 «Уч мушкетер». Бадий фильм (Франция, 1953 й.).

ЧОРШАНА, 14

УзТВ I

7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Бир лаҳзаллик кўрқув». Бадий фильм.

10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.

11.00 «Кафолат».

11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.

12.00 «Ёшлик» студияси. «Болалардек беғубор эди».

12.40 -- 14.40 «Биз танлаган йул». Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

18.10 «Фармон ва ижро».

18.45 «Шеърлий дақиқалар».

18.55 Ўзлонлар.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.20 Ўзлонлар.

19.25 Спорт хабарномаси.

19.30 «Мерос».

20.10 Оқшом эртақлари.

20.25 Ўзлонлар.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

20.55 Ўзлонлар.

21.00 Демократик сайловлар сари.

21.45 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ ҳофизии Орифтон Ҳотамов.

23.00 -- 23.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништирад:

18.30 «Танишув».

18.50 «02» тўлкинида.

19.15 «Бизнес -- банк».

19.30 «Ёдингдами, дўстим...».

19.45 «Тошкент оқшонида».

20.45 «Нурли хотиралар».

21.45 «Шоҳзода сари».

22.15 -- 23.20 «Алп йигитининг уйланиши». Бадий фильм.

УзТВ III

18.10 -- 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультикарусель».

19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

20.40 -- 23.40 «ОМАД» таништирад: «ҚИТЪА СПОРТИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 -- 9.00 «Тонг».

18.00 Эфирда -- давлатларпаро «Мир» телерадиокомпанияси.

18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. Н. Зелинский.

18.50 Янгилликлар.

19.00 «Тигиз пайт».

19.25 «Шадлод Роза». Телесериал.

19.55 «Эслаб, излаб». Жина Лоллобриджида: кеча ва бугун.

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгилликлар.

21.40 «Жангдан қайтмади». А. Д. Сахаров ҳақида ҳужжатли фильм.

22.00 -- 23.50 Аллен Делон «Полициянинг ҳаёти учун» бадий фильмида (Франция, 1981 й.).

ПАЙШАНА, 15

УзТВ I

7.00--9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Чипполино». Бадий фильм.

10.20 «Чашма». Манзарали фильм.

10.30 «Чинсэн». Корейс тилида кўрсатув.

10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиёт.

11.00 Алифбо сабоқлари.

11.30 «Муҳаббатни куйлайман». Концерт.

12.00--14.00 «Маърифат» видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

18.10 «Икки кучукчанинг саргузашти». Мультифильм.

18.25 «Хусеийлаштиришнинг янги йўналишлари».

18.55 Ўзлонлар.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.20 Ўзлонлар.

19.25 «Ахборот» танқид қилди...

19.40 «Тилга эътибор».

20.10 Оқшом эртақлари.

20.25 Ўзлонлар.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

20.55 Ўзлонлар.

21.00 Демократик сайловлар сари.

21.30 «Шаҳар бедарвоза эмас...».

22.15 «Қўшиқларда умрим мазмуни». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаров куйлайди.

23.05--23.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II

«ОМАД» таништирад:

18.30 «ОМАД» тақвими.

18.35 «Жоизба».

18.55 «Тумор».

19.05 «Муҳаббатга ошно қалблар».

19.25 «Теле-ателье-шоу».

19.35 Видео янгилликлар.

20.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари

ва эълонлар.

20.40 --22.20 «Кинонигоҳ».

УзТВ-III

18.10--19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультикарусель».

19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

20.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

20.55 Ўзлонлар.

21.00 Демократик сайловлар сари.

21.45 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ ҳофизии Орифтон Ҳотамов.

23.00 -- 23.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништирад:

18.30 «Танишув».

18.50 «02» тўлкинида.

19.15 «Бизнес -- банк».

19.30 «Ёдингдами, дўстим...».

19.45 «Тошкент оқшонида».

20.45 «Нурли хотиралар».

21.45 «Шоҳзода сари».

22.15 -- 23.20 «Алп йигитининг уйланиши». Бадий фильм.

УзТВ III

18.10 -- 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультикарусель».

19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

20.40 -- 23.40 «ОМАД» таништирад: «ҚИТЪА СПОРТИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30--9.00 «Тонг».

18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».

18.30 «Россия тароналари».

18.45 «Ким аслида ким?». XX аср.

18.50 Янгилликлар.

19.00 «Тигиз пайт».

19.25 «Шадлод Роза». Телесериал.

19.55 «Унутмасликлар учун...» Ю. Белов. Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви.

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгилликлар.

21.40 «Москва. Кремль».

22.00 Кино асри. «Донна Флор ва унинг икки эри». Бадий фильм (Бразилия, 1978 й.).

23.40--23.50 Шахмат Олимпиадасида.

ЖУМА, 16

УзТВ I

7.00--9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Капитан Врунгелнинг янги саргузашти».

Бадий фильм.

10.15 «Мусаввир». Телефильм.

10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.

11.00 «Соғлом авлод учун».

11.20 «Келгусининг бугунги ташвишлари».

11.50 Немис тили.

12.10 «Солиқ».

12.40--14.40 «Санъат сеҳри». Мусликий видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

18.10 «Таълим ва ислоҳот».

18.40 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».

18.55 Ўзлонлар.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.20 Ўзлонлар.

19.25 «Навоий хонлик».

Адабий кўрсатув.

20.10 Оқшом эртақлари.

20.25 Ўзлонлар.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

20.55 Ўзлонлар.

21.00 Ўзбек куйларидан концерт.

21.35 «Кино усталари». Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева.

22.25 ЎзТВ хазинасидан «Чангак». Видеофильм.

23.25--23.50 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништирад:

18.30 «Учкун».

18.55 Хор куйларидан концерт.

19.25 «Билиб қўйган яшин».

19.50 «Муъжизалар оламида».

20.35 «Тошкентнома».

21.35 -- 23.00 «Олмазор». Бадий фильм.

УзТВ III

18.10--19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультикарусель».

19.50 «Тадбиркорлик мактаби».

20.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

«ОМАД» таништирад:

21.10 «Даракчи».

21.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар.

21.50--23.20 Видео-- «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30--9.00 «Тонг».

18.00 «Инсон ва қонун».

18.25 «Латта кўғирчоқ Яшканинги сирин». Қисқа метражли телевизион бадий фильм.

18.50 Янгилликлар.

19.00 Шахмат олимпиадасида.

19.10 «Детективлар клуби»да. «Қочоқ». Бадий фильм (Франция).

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгилликлар.

Абдулла Қодирий номидаги республика Давлат мукофоти соҳиблари.

Улуғ адибимиз 100 йиллик тўйи арафасида бир гуруҳ ижодкорлар Абдулла Қодирий номидаги республика Давлат мукофотиغا сазовор бўлишган эди. Қуйида улардан айримларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

АЗИЗЛАР ЁДИ...



Камол ЖАББОРОВ, ҳайкалтарош:

Хиббонга ўрнатилган Соҳибқирон ҳайкали очилганига ҳам бир йилдан ошди. Мен мана шу давр ичида айтарли тез-тез Амир Темури хиббонида ҳайкалтарошлик бўйича сабоқ оляпман, десам хато бўлмайди. Бу ерга кунда ўнлаб одамлар келишади. Улар орасида дам олувчилар, сайёҳлар, хорижий мамлакатларнинг расмий вакиллари бор. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келадиган оддий кишилар эса ҳайкал ёнидан ҳеч қачон бепарво ўтмайдилар. Улар аввал майдон четидан ўтириб

дуо-фотиҳа ўқишади. Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан бўлаётган тадбирлар ҳар қандай халқ фарзандида бўлганидек, бизни ҳам жуда кўп нарсалар ҳақида ўйлашга, жуда азиз нарсалар қадрини яна бир бора чуқур англашга ундади.

ХАЛҚИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАНИМДАН БАХТИЁРМАН



Лутфулла АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон халқ рассоми:

Бугун қаттиқ ҳаяжондаман. Узоқ йиллик меҳнатларим, ҳеч вақт дарз емаган эътиқодим ҳукуратимиз,

халқимиз томонидан муносиб тақдирланди. Шу муносабат билан Абдулла Қодирий даҳоси фикримни ёритган йиллар ёдимга тушди:

Уша қатагон даврда «Ўзбекистон адабиёти ва санъат нашриёти»нинг бош рассоми Искандар Икромов олдида иш билан борган эдим. У менга секингина шивирлаб: «Лутфулла, мен сизга бир китоб бераман, уни яширинча ўқиб, яна қайтариб бера-сиз», -- деди. Бу Абдулла Қодирийнинг Искандар Икромов беаган, араб имлосида чоп этилган «Ўтган кунлар» романи эди. Романини ўқиб, уни эгасига қайтариб бердим. Шу-шу бу асар мени ўзига маҳкам боғлаб, вужудимни қамраб олди. Шундан бери бу улкан адибнинг уч асари устида ишлаб келдим. 50--60-йилларда «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён»га расмлар ишладим. Улар босилиб чиқди. 1970 йилнинг охирида «Ўтган кунлар» ва 1980 йил бошида «Меҳробдан

чаён» романлари асосида «Ўтган кунлар» ва «Зулматдан қочиш» бадиий филмлари яратилди. Рассом сифатида уларга суратлар чиздим. Кейинги йилларда «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» ва «Обид кетмон» асарларига қирқдан ортиқ иллюстрация ишладим. Бу асарлар адибнинг бўлажак уй-музейини ва келажакда чиқадиган асарларни безатишда хизмат қилади, деб ишонаман. Севимли адибимиз Абдулла Қодирий ва унинг ижоди асосида биз, рассомлар яна тасвирий асарлар яратаверамиз.

Мана, бир гуруҳ ҳамкасбларим қатори менга ҳам Абдулла Қодирий номидаги республика Давлат мукофоти берилди. Бунинг учун минг раҳмат! Мен халқимга 60 йилдан бери тасвирий санъат асарларим билан хизмат қилдим. Ҳозир 83 ёшга кирган бўлсам ҳам, ҳали тетикман. Қувватим ва ижодий иштиёқим бор. Бундан буёғига ҳам халқимга хизмат қилишдан бахтиёрман.

БУЮК БОБОМИЗНИНГ РУҲИ ҚУЛЛАДИ



Илҳом ЖАББОРОВ, ҳайкалтарош:

Тарихимиз буюк шахсларга бой. Ана шу сиймолар орасида Абдулла Қодирий алоҳида ўрин тутди. Бобомиз Амир Темури образини гавдалантириш йўлидаги уринишларимиз Абдулла Қодирий номидаги мукофот билан тақдирланганлиги бизни ниҳоятда тўлқинлантириб юборди.

Ҳайкал жуда қисқа фурсатда -- икки ойда яратилди ва пойтахтимизнинг Амир Темури хиббонига ўрнатилди. Қисқаси, бугун бизга берилган юксак мукофот кўпчиликнинг меҳнатига берилган мукофот, деб биламан. Элимиз бизни қўллаб турса, бундан кейин ҳам ижодий меҳнатимиз Ватан шўҳратига шухрат қўшади!

«Халқ сўзи» мухбири М. МУРОДОВА суҳбати.

ФОНД БИРЖАСИ

«Республикамизда қимматли қоғозлар билан шуғулланидиган фонд биржалари ташкил этилганми?»

Эркин КАМОЛОВ, талаба. Тошкент шаҳри.

Мазкур саволга республика Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси кўп тарзли иқтисодий шакллантириш муаммолари илмий-тектириш ва ҳисоб марказининг катта илмий ходими Очил НАСРИДДИНОВ жавоб беради.

1992 йилнинг июль ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржалар фаолияти тўғрисида»ги Қонуни биржалар ташкил этиш ва биржа фаолиятини ҳудудий бошқариш тартибини белгилаб берди. 1994 йилнинг январь ойида республика фонд биржасини ташкил қилиш тўғрисида Президентнинг фармони чиқди. Шу ҳужжатлар асосида 1994 йилнинг апрель ойида «Тошкент» республика фонд биржаси (ТРФБ) ёпиқ акционерлик жамияти шаклида ташкил қилинди. Ушбу биржа 1991 йил август ойида ташкил қилинган «Тошкент» республика универсал товар-фонд биржасининг таркибидан фонд бўлими асосида пайдо бўлди.

1992 йилнинг июль ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржалар фаолияти тўғрисида»ги Қонуни биржалар ташкил этиш ва биржа фаолиятини ҳудудий бошқариш тартибини белгилаб берди. 1994 йилнинг январь ойида республика фонд биржасини ташкил қилиш тўғрисида Президентнинг фармони чиқди. Шу ҳужжатлар асосида 1994 йилнинг апрель ойида «Тошкент» республика фонд биржаси (ТРФБ) ёпиқ акционерлик жамияти шаклида ташкил қилинди. Ушбу биржа 1991 йил август ойида ташкил қилинган «Тошкент» республика универсал товар-фонд биржасининг таркибидан фонд бўлими асосида пайдо бўлди.

Брокерлик ўрнини сотиб олган жисмоний шахс уни давлат ҳокимияти маҳаллий органларида рўйхатдан ўтказилгандан ва банкда ҳисоб-китоб рақами очилгандан кейингина олдир-сотишга қўйиладилар.

Брокерлик ўрнини сотиб олган жисмоний шахс уни давлат ҳокимияти маҳаллий органларида рўйхатдан ўтказилгандан ва банкда ҳисоб-китоб рақами очилгандан кейингина олдир-сотишга қўйиладилар.

Кимматли қоғозларга доир биржа амалдорининг қондаларини биржанинг юқори бошқарув органи Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

Фонд биржасининг раҳбар органи -- бошқарма ва бошқарманинг раиси ҳисобланади. Биржанинг таркибидан эксперт, малака, баҳолаш комиссиялари, маклериат ҳамда низоолари ҳал қилиш комиссиялари, маслаҳат ва маълумот берувчи шўъбалар бор.

Эксперт комиссияси эмитентларнинг кимматли қоғозларини биржа савдосига чиқаришдан олдин эмитентнинг иқтисодий-молиявий ҳолатини таҳлил қилади. Экспертга эмитентларнинг бухгалтерлик ва молиявий ҳисоботи асосида махсус услублар билан компьютер ёрдамида амалга оширилади. Экспертнинг натижасига қараб эмитентларнинг кимматли қоғозларини биржа савдосига чиқаришга лицензия бе-

рилади. Лицензияси бўлмаган кимматли қоғозлар биржадан ташқирдаги бозорларда сотиладилар.

Малака комиссияси брокерларнинг малакасини аниқлайди ва уларга кимматли қоғозлар муомаласини амалда оширишга рўхсат беради.

Баҳолаш комиссияси биржада савдо бўлаётган кунда кимматли қоғозларнинг нарҳини белгилаб беради.

Молия вазирлигининг вакили биржа фаолияти давомида қонунлар ва биржа устави талабларига риоя қилинишини назорат қилиб боради.

ТРФБ қоншида 1994 йилнинг февраль ойида кимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларини тайёрлайдиган миллий марказ очилди. Ушбу марказ 1994 йил давомида 250 нафар мутахассис тайёрлади. Тайёрланган мутахассисларнинг кўпчилиги Молия вазирлигида аттестациядан ўтдилар ва «кимматли қоғозлар бозорининг мутахассисси» деган ном олдилар.



Кимматли қоғозларнинг биринчи савдоси 1994 йилнинг апрель ойида ўтказилди. 1994 йилнинг ноябрь ойида «Карвон» савдо уйи, энгил саноат, гўшт-сут саноати корхоналарининг 5 млн. сўмлик акцияларини сотилди. Савдо ҳар сешанба кун соат 10 да биржа биржасида ўтказилди. Харида қилинган кимматли қоғозларнинг умумий миқдорини ҳам, сотувчидан ҳам, харидордан ҳам бир фойздан комиссиян туловлар биржа ҳисобига ўшлаб қолинади.

«Халқ сўзи» мухбири Х. САТТОРОВ тайёрлади.


"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ — БУ СИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ЛОТЕРЕЯДИР!

Бунақаси ҳеч бўлмаган! "Совга" лотереяси Сизга реал ютуқ ютиш имкони беради! Лотерея ўйинига автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель комплекслари, гиламлар ва турли хил халқ истеъмол моллари қўйилган.

Ютуқ чиқиш имкони катта, чунки лотереяга умумий сумманинг 70 фоизи ютуқ сифатида тарқатилади.



"СОВГА" лотереяси чипталарини Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкнинг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо корхоналаридан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин. Билет баҳоси - 10 сўм.



Шошилинг! Ютуқлар тиражи 28-29 декабрда Тошкент шаҳридаги "Навруз" саройида ўтказилади.

Лотерея сотиб олинг ва тиражда қатнашинг! Сизга омад тилаймиз!

Маълумот учун телефонлар: 45-35-49, 45-66-43, 33-81-95.

Шошилинг! Ютуқлар тиражи 28-29 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилади. Тулиқ маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкнинг барча муассасаларидан, шунингдек, 45-35-49, 45-66-43, 33-81-95 рақамли телефонлар орқали олишингиз мумкин.

"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ — Сизнинг оилангиз учун совгадир! "Совга" лотереясини сотиб олиб бахтли қимматбахо ютуқлар: автомобиль, видеоаппаратура, телевизор, мебель ва бошқа халқ истеъмол молларининг эгаси бўлишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки

"Ўзбексавдо"

"Ўзбекбирлашув"



ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқаро 33-07-48; Кино ва ҳужалиги 32-07-94; Иқтисодиёт 32-36-65; Маънавият 32-35-60; Аxbорот 32-29-89; Тўғри муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — Н. Ҳубасаров. Навбатчи — Ф. Шермухаммад.